

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВ АБДУЛ-МАЛИК ХАМИДОВИЧ

ПАХТАНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ
АСОСИДА ТОЛА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Каюмов Абдул-малик Хамидович

Пахтани қуритиш жараёнини моделлаштириш асосида тола сифатини
яхшилаш..... 5

Каюмов Абдул-малик Хамидович

Улучшение качества волокна на основе моделирования процесса сушки
хлопка..... 29

Kayumov Abdul-malik

Improvement of fiber quality based on simulation of cotton drying
process..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

КАЮМОВ АБДУЛ-МАЛИК ХАМИДОВИЧ

**ПАХТАНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ
АСОСИДА ТОЛА СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хомашёга
дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/Т154 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Парпиев Азимжон

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Максудов Равшан Хасанович

техника фанлари доктори, профессор

Хакимов Шеркул Шерғозиевич

техника фанлари доктори, доцент

Саримсаков Олимжон Шарипжанович

техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:


Жиззах политехника институти


Диссертация химояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 28 ноябрь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон кўчаси-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17, e-mail: titlr_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона)


Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (86-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Шохжаҳон – 5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2020 йил 17 ноябрь куни тарқатилди.
(2020 йил 14 ноябрдаги 86 рақамли реестр баённомаси).




Б.О. Онорбоев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д. проф.


А.Э. Гуламов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. проф.


Ш.Ш. Хакимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д. доц.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорида экологик тоза табиий хомашёлардан, жумладан пахта толасидан тайёрланган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. АҚШ пахта миллий агентлигининг (NCC) маълумотларига қараганда “ташқи бозорга пахта толаси етказиб бериш бўйича Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон, Бразилия ҳамда Ўзбекистон каби давлатлар етакчилик қилмоқда”¹. Пахтани қайта ишлаш, асосан АҚШ, Хитой ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган технологик ускуналарда амалга оширилмоқда. Жаҳон пахта бозорида рақобатнинг юқори даражадалиги тола сифатини янада яхшилаш энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунга кўра пахта тозалаш корхонларининг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли технологик жараёнларни оптималлаштириш, янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш масалаларини хал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида технологик жараёнларга комплекс ёндошган ҳолда маҳсулот сифатини яхшилаш учун ишлов бериладиган материалнинг технологиябоплигини таъминлашга, айниқса пахтани дастлабки ишлашда асосий технологик жараёнлар самарали амалга ошириш учун қуритиш технологиясини яратиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу борада пахта ва унинг компонентлари иссиқлик-намлик параметрларининг қуритиш агенти таъсирида ўзгариш қонуниятлари бўйича илмий асосларини яратиш, пахта толаси ва чигитининг термик ишлов бериш жараёнларида қуриш тезлиги ва бир текислиги ҳамда технологиябоплигини таъминлайдиган, рақобатбардош сифат кўрсаткичларига эга бўлган тола ишлаб чиқаришни кафолатловчи, пахтани қуритишнинг янги технология ва техникасини ишлаб чиқиш каби йўналишларда комплекс назарий-тажрибавий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда хомашёни чуқур қайта ишловчи ва ундан рақобатбардош сифатли маҳсулотлар тайёрловчи тўқимачилик кластерлари учун асосий хомашё ҳисобланган пахта толасини ишлаб чиқарувчи пахта тозалаш корхоналарини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозорда пахта маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли комплекс чоралар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда пахта

¹ Cotton: World Statistics. <https://www.statista.com>; <http://www.ICAC.org>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”.

хомашёсини тозалаш ва жинлашга тайёрлашда қуритишнинг самарали технологиясини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, пахтани дастлабки ишлаш жараёнининг ҳар бир босқичида, жумладан уни сақлаш ва қуритишда пахта маҳсулотларининг табиий хусусиятларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш, сарфланаётган моддий, шунингдек энергетик ҳаражатларни камайтиришни таъминлайдиган энергиятежамкор пахтани қуритиш технологияларини яратиш ва такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги №ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сонли «Қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 февралдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ВМ-253-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Пахта хомашёсини қуритиш ва қайта ишлаш жараёнида қўлланиладиган технологик жиҳозлардан самарали фойдаланиш, уларнинг технологик параметрларини такомиллаштириб бориш бўйича комплекс назарий-амалий илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан «Moss-Gorden Continental», «Platt Lummus», «Continental Murray», «Samuel Jackson Mfg. Corporation», «Consolidated Cotton Gin Co.», «Continental Eagle Corporation» (АҚШ), «Cotton research and devolepment corporation» (Австралия), National Research Center for cotton processing engeeniring and technology, «China Cotton Industries Ltd», «Handan Golden Lion», Cotton Research Institute of Nanjing Agricultural University, «Lebed» (Хитой) каби ташкилотларда олиб борилмоқда.

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.samjackson.com/moisture-products>; <http://www.bajajngp.com/humidifier.html>; <http://www.busa.com.br/Assistencia-Tecnica#>; <https://www.acronymfinder.com>, Journal of Cotton Science 4/2015. The USA. The Cotton Foundation. Journal of Textile Science & Engineering.3/2014. The USA ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кўп компонентли материал сифатида пахтани қуритиш ва унга ишлов бериш жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш; пахта хомашёсини сақлаш ва қуритишнинг автоматлаштирилган самарали техника ва технологияларини яратиш ҳамда ишлов бериш ва қуритиш режимларини ишлаб чиқиш; пахтани дастлабки ишлаш жараёнининг барча босқичларида маҳсулот сифат кўрсаткичлари ва табиий хусусиятларини сақловчи ресурстежамкор техника ва технологияларни яратиш; пахтани қайта ишлаш жараёнларида ажралиб чиқадиган чанг ва зарарли аралашмалардан ҳавони самарали тозаловчи ресурстежамкор технологияларни яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пахта хомашёси қуритиш объекти сифатида мураккаблиги - тола, чигит қобиғи ва мағзи ўртасида намликнинг нотекис тақсимланиши, уларнинг иссиқлик-намлик хоссаларининг турлича эканлиги термик ишлов беришда компонентларни бир текис қуришига эришишга ўзига хос равишда ёндошиш кераклигини таъкид қилади.

Нам материалларга термик ишлов бериш бўйича назарий муаммолар ва уларнинг ечими, жумладан, капилляр-ғовак, коллоид материалларда иссиқлик ва масса алмашувининг асосий қонуниятлари, тола ва пахтани иссиқлик-намлик кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар қуйидаги олимлар - L.Bolss, V.Balson, U.K.Luis, T.K.Шервуд, A.C.Гинзбург, C.M.Липатов, Ю.Л.Кавказов, Г.А.Максимов, A.B.Лыков, M.И.Шекольников, A.П.Парпиев, B.M.Мардонов, A.K.Усманкулов ва бошқалар томонидан ўтказилган. Уларнинг тадқиқотлари бўйича пахта хомашёсини иссиқлик-намлик кўрсаткичлари, жумладан, толанинг иссиқлик алмашилиш коэффициенти ва иссиқлик сифими ностационар шароитларда хатоликка олиб келадиган стационар усул бўйича аниқланган.

Нам материалларни қуритиш усул ва технологияларини такомиллаштириш, қуритиш жиҳозларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усулларини ишлаб чиқиш, қуритгичларнинг ишлашини ва қуритиш режимини оптималлаштириш бўйича бир қатор олимлар, жумладан, J.Lugey, H.M.Михайлов, И.М.Федоров, Г.Гомарен, Ш.Эндрени, M.B.Лыков, M.Ф.Гинзбург, M.Ф.Казанский, K.Ш.Шакиров, Г.И.Мирошниченко, M.И.Ниязов, П.В.Банников, A.M.Ульдяков, P.П.Никитин, A.П.Парпиев, M.Рахмонов, M.Содиқов, A.З.Маматов, A.K.Усманкуловлар бу соҳа илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Лекин, ҳозиргача маълум бўлган ишларда қуритиш режимини танлашда пахта навларининг иссиқлик-намлик хоссаларини, жумладан иссиқликка чидамлилиги, намликни тола ва чигитда тақсимланиши ҳамда қуриш тезлигидаги фарқлилик инobatга олинмаган; тола ва чигит намликлари ва температурасини тозалаш ва жинлаш жараёнларига, айниқса тола сифатига таъсири етарли ўрганилмаган;

пахта толаси, чигитининг намлиги ва температураси тозалаш ва жинлаш жараёнларида оптимал қийматларини қуриштириш режимини танлаш асосида таъминлаш масаласи қўйилмаган ва ечилмаган; пахта тозалаш корхоналарида иккитадан қуриштириш барабанлари мавжуд бўлиб, уларни параллел ёки кетма-кет ишлатиш вариантларининг тозалаш ва жинлаш жараёнларига таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган; пахтанинг бошланғич намлиги ва навига қараб уни барабанларда қуриштиришнинг математик моделларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли изланишлар олиб борилмаган. Шуларга боғлиқ ҳолда пахтани қайта ишлаш жараёнларини самарали амалга ошириш ва маҳсулот сифатини башоратлаш ҳамда кафошлаш учун қуриштириш жараёни орқали ашёнинг технологиябоплигини таъминлаш ва технологик жараёнларни бошқариш, параметрларни математик моделлар асосида оптималлаштириш мақсадида комплекс тадқиқотлар олиб бориш соҳа учун муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг илмий-тадқиқот режаси доирасида қуйидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар бўйича бажарилган: А-6-244, ДИТД-6 “Пахтани қуриштириш технологиясини математик моделлаштириш” (2006-2008), А-13-004, ДИТД-13 “Пахтани қуриштириш янги техника ва технологияларини яратиш” (2006-2008), ИД-И-012 “Пахтани бошланғич сифат кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда самарали технологиясини яратиш” (2009-2010), ИОТ-2015-2-20 “Пахтани қуриштириш самарали технологиясини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш” (2015-2016), А-2-70 «Текстиль Кластери» инновацион моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш» (2015-2017).

Тадқиқотнинг мақсади пахта хомашёсини қуриштириш жараёнини математик моделлаштириш асосида тола сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нам пахта хомашёси ва унинг компонентларини қуриштириш жараёнларини назарий таҳлил қилиш;

технологик жараёнларда пахта хомашёси компонентлари намлигининг ўзгариши ва унинг тола сифатига таъсирини ўрганиш;

пахта хомашёсини қуриштириш жараёнларининг математик моделларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш;

толанинг сифатини максимал сақланишини таъминловчи қуриштиришнинг юмшоқ температура режимларини ишлаб чиқиш;

қуриштириш режимларини технологик баҳолаш;

пахта хомашёсининг бошланғич намлиги асосида қуриштиришнинг технологик режимлар харитасини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қуриштириш ускуналари ва пахта хомашёсини қайта ишлаш технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предметини пахта хомашёсини қуритиш жараёнлари ва қуритишнинг технологик режимлари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида амалий жараёнларни статик ва динамик моделлаштириш, тўлиқ факторли экспериментлар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида оптималлаштириш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

конвектив ва кондуктив иссиқлик алмашуви асосида пахта компонентларини қизиш қонуниятлари ишлаб чиқилиб, улар ёрдамида пахтани қуритишнинг рационал режимлари аниқланган;

қуритилган пахтани ҳаво қувурида ва тозалашда температураси ва намлиги ўзгаришининг математик моделлари ишлаб чиқилган ва улар воситасида тозалаш жараёнларида пахтанинг иссиқлик-намлик ҳолатини башоратлаш имконияти юзага келган;

пахтани қуритиш қарралилиги, температураси, тола ва чигити намлиги ва температураси билан тозалаш самарадорлиги ҳамда толадаги нуқсонли аралашмалар ва ифлослик миқдори ўртасидаги боғланишлар воситасида пахтани тозалаш ва жинлашда тола намлигининг рационал қийматлари асослаб берилган;

пахтанинг навлари, тозалаш ва жинлаш жараёнлари хусусиятларини инобатга олувчи қуритиш моделлари ишлаб чиқилган ва олинган натижалар тола синфини олдиндан башоратлаш ва бошқариш имкониятини яратган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

пахта хомашёсини бошланғич намлигига қараб оптимал қуритиш режимини танлаш, пахта компонентларининг сифат кўрсаткичларини олдиндан башоратлаш имконини берувчи қуритиш барабанларини ишлаш режимларининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

пахта хомашёсини самарали тозалаш ва жинлаш ҳамда тола сифатини тўлиқ сақлаш имкониятини берувчи қуритиш режимлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва тажрибавий тадқиқотларнинг ўзаро мослиги, ҳисоблашларда стандарт усуллар ва воситалардан фойдаланилганлиги ҳамда тавсия қилинган пахта хомашёси компонентларининг сифат кўрсаткичларини башоратлашга имкон берувчи қуритиш технологиясини реал иқтисодий самарадорлик асосида ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мавжуд пахтани қуритиш барабани имкониятларидан самарали фойдаланиш вариантларининг назарий таҳлили асосида қуритиш агенти, пахта хомашёси ва барабан юзаси ўртасидаги ўзаро иссиқлик алмашувини характерловчи аналитик боғланишларни ишлаб чиқилганлиги, улар ёрдамида қуритиш барабанининг иш унумдорлигининг пахта намлиги ва қизиш температурасига таъсирини аниқланиши, пахтани тозалаш ва жинлаш объекти сифатида характерловчи кўрсаткичлар сифатида

тола ва чигит намликлари ҳамда температураси инобатга олинishi, уларни технологик жараёнларда рационал қийматларга эга бўлишини таъминлаш ва бошқаришга мўлжалланган математик моделлари ишлаб чиқилгани, кўп каррали қуритишни қўллаш тола сифатини яхшилашга олиб келишининг асосланганлиги, шунингдек қуритилган пахта хомашёсини пневматик узатишда температурасини ўзгаришининг математик моделларини олинishi ва улар асосида тозалаш жараёнида тола ва чигит намлиги ва температурасининг ҳолатини аниқлаш имкониятининг яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти яратилган технологик ечимларнинг ишлаб чиқариш зарурати асосида ишлаб чиқилгани ва пахта хомашёсини бошланғич намлигига қараб оптимал қуритиш режимини танлаш, пахта компонентларининг сифат кўрсаткичларини олдиндан башоратлаш имконини берувчи қуритиш барабанларини ишлаш режимларининг математик моделлари ишлаб чиқилганлиги, шунингдек пахта хомашёсини самарали тозалаш ва жинлаш имкониятини берувчи қуритиш режимлари амалиётга жорий этилиши ва тола сифатини тўлиқ сақлашни таъминлагани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахтани қуритиш ва технологик оқим бўйича иссиқлик-намлик алмашув жараёнларини моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган математик моделларга асосланган, пахта хомашёсининг бошланғич намлигига қараб оптимал қуритиш режимини танлаш ва пахта компонентларининг сифат кўрсаткичларини олдиндан башоратлаш имконини берувчи пахтани қуритиш технологияси ва оптимал қуритиш режимлари “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи “Поп пахта тозалаш” корхонасида жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ 2020 йил 25 сентябрдаги 03-18/2370 сон маълумотномаси). Натижада, пахта хомашёсининг оптимал қийматда қуритилиши тола сифатини бир синфга ошириш имконини берган;

пахта хомашёсини самарали тозалаш ва жинлаш ҳамда тола сифатини тўлиқ сақлаш имкониятини берувчи қуритиш режимлари ва пахта компонентларининг сифат кўрсаткичларини олдиндан башоратлаш имконини берувчи пахтани қуритиш технологияси “Ўзпахтасаноат” АЖ тассаруфига кирувчи “Мингбулоқ пахта тозалаш” корхонасида жорий қилинган («Ўзпахтасаноат» АЖ 2020 йил 25 сентябрдаги 03-18/2370 сон маълумотномаси). Натижада пахта хомашёсини тозалаш самарадорлигининг ошиши толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушини абсолют 1,03% га камайтиришни таъминлаган.

Диссертация иши натижаларининг амалиётга жорий қилиниши натижасида («Ўзпахтасаноат» АЖ 2020 йил 25 сентябрдаги 03-18/2370 сон маълумотномаси) пахтани қуритиш бир текислигининг ортишига, тозалаш ва жинлаш машиналари самарадорлигининг ошишига ҳамда тола сифатининг бир синф юқорилашига ва бир йилда 304 миллион 300 минг сўм иқтисодий самара олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 12 та, шу жумладан 5 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий ишлар чоп этилган, шундан 13 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибига кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 205 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар тахлили, тадқиқот мақсади ва вазифалари”** деб номланган биринчи боби пахта хомашёси ва унинг компонентларини қайта ишлаш объекти сифатида хусусиятлари, пахтани қуритиш техника ва технологияларини такомиллаштириш, пахта хомашёси намлигининг маҳсулот сифатига таъсир қилиши бўйича адабиётларнинг тахлилига бағишланган, қуритиш жараёнини пахта хомашёсини тозалаш ва жинлаш жараёнларига таъсирини аниқлаш бўйича камчиликлар аниқланган. Бу муаммоларни аксарияти қуйидаги олимлар: З.А.Монтгомери, О.Б.Вутен, Ж.Х.Андерсон, Ф.Л.Гриффин, В.С.Антони, К.Ш.Шакиров, М.И.Ниязов, П.В.Банников, А.М.Ульдяков, Р.П.Никитин, А.П.Парпиев, К.С.Собиров, И.Д.Мадумаров, И.К.Собиров, Р.А.Гуляев, Х.И.Ибрагимов, Е.Ф.Будин, С.А.Самандаров, А.Д.Сапон, М.Р.Бобоханова, М.Рахмонов, М.Содиков, А.З.Маматов, А.К.Усманкулов, Р.Д.Артиков, М.А.Гаппарова, Т.А.Очилов, Ю.И.Кўпалова, С.З.Юнусов ва бошқаларнинг тадқиқотларида бир қатор ечимлар топилганлигига қарамасдан пахта компонентларининг иссиқлик-намлик ҳолатини тозалаш самарадорлиги ва жинлаш жараёни, ишлаб чиқарилаётган тола сифатига таъсири ва уларни бошқариш бўйича комплекс тахлили етарли даражада ўрганилмаган. Шуларга боғлиқ ҳолда пахта хомашёсини қуритиш технологияларини ишлаб чиқишда пахта навларининг иссиқлик-намлик хусусиятлари, жумладан, иссиқликка чидамлилиги, намликни тола ва чигитда тақсимланишидаги фарқлилиқ инobatга олинган ҳолда, тола ва чигит намликлари ва температурасини тозалаш ва жинлаш жараёнларида тола сифатига таъсирини ва уларни оптимал қийматларини аниқлаш, қуритиш температураси ёрдамида бошқариш орқали тола сифатини

яхшилашда пахта тозалаш корхоналарида пахтани бир ёки икки карра қуритиш имкониятидан самарали фойдаланиладиган, пахтани бошланғич намлигига қараб қуритиш барабанларини параллел ёки кетма-кет ишлашининг оптимал вариантларини аниқлаш учун математик моделларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш соҳа учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Пахта хомашёсини барабанда қуритиш жараёнларини назарий ва амалий тахлили”** деб номланган иккинчи бобида ўзгарувчан температурали ҳавода пахтани қуритиш жараёнини назарий тахлили, ўзгармас температурали ҳавода пахтани ўзаро аралашмасдан қуритиш ва ўзгармас температурасида пахтани ўзаро аралашган ҳолда қуритиш вариантлари қиёсий ўрганилган.

Пахтани қиздириш ва намликни буғлатиш учун сарф бўладиган иссиқликдан ташқари қўшимча иссиқлик сарфлари, жумладан барабан юзасини қиздириш, атроф муҳитга иссиқлик чиқиб кетишини инобатга олган ҳолда пахтани қуриш жараёнининг дифференциал тенгламаси тузилган.


Унинг ечими учун керакли бўлган қуритиш агенти ва пахта температурасини t_v ва t_x аниқлаш учун қуритиш агенти ва пахта хомашёси ҳамда барабан девори ўртасидаги иссиқлик алмашиш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги тенгламалар тузилган

$$c_v v_v \frac{dt_v}{dx} = \alpha_{vx} (t_x - t_v) + \beta_{vc} (t_c - t_v) l_v \quad (1)$$

$$c_x v_x \frac{dt_x}{dx} = \alpha_{vx} (t_v - t_x) + \beta_{xc} (t_c - t_x) l_x \quad (2)$$

бу ерда c_v - қуритиш агентининг солиштирма иссиқлик сифими $кж/(кг \cdot град)$; v_v ва v_x - тегишли равишда барабандаги қуритиш агенти ва пахта хомашёси оқимининг тезлиги; α_{vx} - қуритиш агенти ва пахта хомашёси ўртасидаги иссиқлик алмашиниш коэффиценти $кж/(кг \cdot сек \cdot град)$; β_{vc} - қуритиш агенти ва барабан девори ўртасидаги иссиқлик алмашиниш коэффиценти, $кж/(кг \cdot м \cdot намликни буғланиши билан)$; β_{xc} - пахта хомашёси ва барабан девори ўртасидаги иссиқлик алмашиниш коэффиценти, $кж/(кг \cdot м \cdot намликни буғланиши билан)$; t_c - барабан девори температураси (Кельвинларда); l_v ва l_x - мос равишда ҳаво ва пахта билан контактда бўлган барабан девори узунлиги, $м$.

(1) ва (2) тенгламалардан олинган ечимларни пахтанинг бошланғич намлиги $W_n=19\%$, қуритиш температураси 200^0C бўлгандаги ҳисоблаш натижалари 1-расмда келтирилган.



1-пахта намлиги; 2-пахта температураси; 3-ишлатилган ҳаво температураси
1-расм. Қуритиш барабани иш унумдорлигининг қуритилган пахта намлиги, ишлатилган ҳаво ва пахта температурасига таъсири.

Ҳисоблаш учун керакли бўлган барабан юзаси температураси ва пахтанинг барабандаги зичлиги, l_v ва l_x қийматлари ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба асосида аниқланган.

Олинган натижалар қуритиш барабанининг пахта бўйича иш унумдорлигини қуритилган пахта намлиги ва температурасига аҳамиятли даражада таъсирлиги ва у орқали барабаннинг намлиги бўйича иш унумдорлигини бошқариш имкониятини мавжудлигини ҳамда пахтани бошланғич намлигига қараб қуритиш температурасини танлашда албатта пахта бўйича иш унумдорлигини инобатга олиш кераклигини кўрсатди.

Иссиқ ҳаводан фойдаланиш самарадорлиги эса ўта паст бўлиб, 50% га яқин иссиқлик атроф муҳитга чиқиб кетишини кўрсатди.

Пахта бўлагини шар шаклида қабул қилиниб, уни ўзгарувчан температурада ўзаро аралаштирилмаган ҳолда қуритишнинг қуйидаги дифференциал тенгламалар системаси тузилди

$$\begin{cases} \frac{\partial u_1}{\partial \tau} = a_1 \left(\frac{\partial^2 u_1}{\partial r^2} + \frac{2}{r} \cdot \frac{\partial u_1}{\partial r} \right) + \frac{\alpha}{c_1 \rho_1} [u_2 - u_1] + \frac{1}{c_1 \rho_1} f_1(\tau) \\ \frac{\partial u_2}{\partial \tau} = a_2 \left(\frac{\partial^2 u_2}{\partial r^2} + \frac{2}{r} \cdot \frac{\partial u_2}{\partial r} \right) + \frac{\alpha}{c_2 \rho_2} [u_1 - u_2] + \frac{1}{c_2 \rho_2} f_2(\tau) \end{cases} \quad (3)$$

бошланғич


$$u_1(r, 0) = g_1(r), \quad u_2(r, 0) = g_2(r), \quad (4)$$

ва чегаравий шартлар: $r=R$ бўлганда

$$-\frac{\partial u_1}{\partial r} + \alpha_1 [u_B - u_1] = 0$$


$$-\frac{\partial u_2}{\partial r} + \alpha_2 [u_B - u_2] = 0$$
(5)

бу ерда α_1 - чигит ва қуритиш агенти ўртасидаги иссиқлик алмашув коэффициентлари; α_2 - тола ва қуритиш агенти ўртасидаги иссиқлик алмашув коэффициентлари; α - чигит ва тола ўртасидаги иссиқлик алмашув коэффициентлари; $f_1(\tau), f_2(\tau)$ - чигит ва толадаги намликни буғланиш жараёнини ифодаловчи, тегишли равишда, берилган узлуксиз функциялар; u_B – ҳаво температураси, τ - қуритиш жараёни вақти; $u_1(r, \tau), u_2(r, \tau)$ - τ вақтининг жорий моментида r нуқтадаги чигит ва толанинг температураларини ифодаловчи изланаётган функциялар, ρ_1, ρ_2 - тегишли равишда, чигит ва толанинг зичликлари, c_1, c_2 - тегишли равишда, чигит ва толанинг иссиқлик сифимлари, a_1, a_2 - тегишли равишда, чигит ва толанинг температура ўтказувчанлиги.



1, 2 – $r = 0,4$ м да тола ва чигит температураси; 3, 4 - $r = 0,1$ м да тола ва чигит температураси

2-расм. Қуритиш вақтида тола ва чигит температурасининг ўзгариши.



1, 2 – $\tau = 1$ мин да тола ва чигит температураси; 3, 4 - $\tau = 6$ мин да тола ва чигит температураси

3-расм. Пахта бўлаги радиуси бўйича температуранинг тарқалиши.

(3) тенгламалар системасининг сонли ечими олиниб, модел параметрларининг қуйидаги қийматларида ҳисоблаш натижасида тола ва чигит температураларини қуритиш вақти ва пахта радиуси бўйича ўзгариши олинган $u_B=200^{\circ}\text{C}$, чигит учун: $u_{10}=10^{\circ}\text{C}$; $\lambda_1=0,26$; $c_1=1800$; $\rho_1=50$; $R_1=0,006$; $k_1=0,005$; $W_{H1}=19$; $\alpha=2,30$; $\varepsilon_1=0,8$; $r_{21}=2082000$; $W_{P1}=8$; $\alpha_1=2,01$; тола учун: $u_{20}=15^{\circ}\text{C}$; $\lambda_2=0,07$; $c_2=1600$; $\rho_2=12$; $R_2=0,025$; $k_2=0,0003$; $W_{H2}=12,5$; $\varepsilon_2=0,78$; $W_{P2}=0$; $\alpha_2=2,5$; $R_1=0,11$.

2- ва 3-расмлардаги графикларни тахлили қуйидаги хулосани қилиш имконини берди.

Тола ва чигит температуралари қуритишнинг бошланғич 3 минутгача кескин ўсиб бориши, сўнгра ўсиш жадаллиги сусайиши кузатилган.

Агар тола ва чигит температуралари мос равишда 3 минда пахта бўлаги юзасида 10⁰С дан 61,9⁰С ва 38,1⁰С га ошган бўлса, кейинги 3 минутда қўшимча 7,7 ва 9,2 % га кўтарилган.

Тола ва чигитнинг қизиш температурасининг пахта радиуси бўйича таққосланиши парабола қонуниятига бўйсуниб, уларнинг ўзаро фарқи 2-3 минутгача ошиб бориб, сўнгра барқарорлашуви кузатилган.

Пахтани ушбу усулда, яъни пахта радиуси бўлаги шаклида барабанда, узлуксиз иссиқ ҳаво таъсирида ўзаро аралаштирмасдан қуритишда тола ва чигитнинг бир текис қизиши ва қуритишни таъминлаш мураккаб масала эканлиги аниқланган.


Қуритиш жадаллиги юқори, тола ва чигитнинг намлиги, температурасининг бир текислиги рухсат берилган қизиш температураси меъёридан ошмаганлигини, пахтага иссиқ ҳавони узлуксиз ва циклик таъсирини ҳамда пахтанинг ўзаро аралаштириш жараёнининг афзалликларини комплекс баҳолаш мақсадида қуйидаги вариантларда пахта қуритилиб таҳлил қилинган.

- пахтани ўзгармас температураларда аралаштирилмаган ҳолда СХЛ-3 лаборатория қуриткичида;

- ўзгармас температурада пахтани аралаштирилган ҳолда диаметри 3,2 м, узунлиги 0,6 м бўлган 2СБ-10 қуритиш барабанининг лаборатория стендида;


- ишлаб чиқариш шароитида 2СБ-10 барабанида.

Тажриба натижалари 4-7- расмлар ва 1-жадвалда келтирилган.




Қуритиш температураси: 1 - 100⁰С;
2 – 150⁰С; 3 - 200⁰С

4-расм. Тола температурасини қуриш вақтига боғлиқлиги.




1, 2– мос ҳолда Т=100 ва 200⁰С да пахта намлиги; 3, 4 - мос ҳолда Т=100 ва 200⁰С да тола намлиги

5-расм. Пахта ва тола намлигини қуриш вақтида ўзгариши.



1, 2, 3 – мос равишда чигит, пахта, тола намлиги; 4, 5, 6 - мос равишда тола, пахта, чигит температураси

6-расм. Қуритиш агенти $T=200^{\circ}\text{C}$ да пахта компонентларининг қуриш ва қизиш графиклари.



1, 2, 3 – мос равишда чигит, пахта, тола намлиги; 4, 5 - мос равишда тола ва чигит температураси

7-расм. Қуритиш агенти $T=150^{\circ}\text{C}$ да пахта компонентларининг қуриш ва қизиш графиклари

1-жадвал

Пахта хомашёси ва компонентлари иссиқлик-намлик ҳолатига қуритиш барабани унумдорлиги ва қуритиш агенти температурасининг таъсири

т/р	Барабан иш унумдорлиги, П, т/с	Қуритиш агенти температураси, $T_{к.а.}, ^{\circ}\text{C}$	Намлик, %			Қизиш температураси, $^{\circ}\text{C}$	
			Пахта, $W_{п}$	Тола, $W_{т}$	Чигит, $W_{ч}$	Тола, $T_{т}$	Чигит, $T_{ч}$
1	6	100	10,45	7,4	11,3	36	28
2		150	9,99	6,7	11,1	48	36
3		200	9,53	6,0	10,9	65	49
4	9	100	11,42	8,5	12,4	32	26,2
5		150	10,96	7,8	11,8	43	32,5
6		200	10,5	7,1	11,0	60	44,7
7	12	100	12,39	9,6	13,1	29	24,5
8		150	11,93	8,9	12,6	39	30,4
9		200	11,47	8,2	12,1	56	41,2

Олинган натижаларни тахлили қуйидагиларни кўрсатди.

Пахта аралашмаган ҳолда ўзгармас температурада қуритилганда (4-5-расм) тола қизиши ва қуритиш тез бўлиб, $T_{к.а.}=150$ ва 200°C бўлганда мос равишда 143 ва 192°C (4-расм) ҳамда $2,9$ ва $5,21\%$ га тенг бўлган (5-расм). Тола ва чигит намликлари ва температуралари ўртасидаги фарқ қуритиш агенти температураси ошган сайин кескин ошиб борган.

Қуритиш барабани 2СБ-10 да пахтани қуритишнинг назарий ва амалий натижаларини таққослаш, уларнинг натижалари бир-бирига яқин эканлигини кўрсатди. Жумладан қуритиш температураси 150°C ва 200°C бўлганда

қуритилган пахта намлиги мос равишда 11,4 ва 10,96 % ҳамда 11,4 ва 10,9% га тенг бўлган (6-расм).

Пахтани аралашган ҳолда ўзгармас температурали қуритиш агентининг циклик таъсирида қуритилганда (6-7-расмлар) тола ортиқча қуриб кетмаслиги, унинг қизиш температураси ҳам аралашмаган ҳолатда қуритилганга нисбатан ($T_{к.а.}=150$ ва 200°C да мос равишда $T_{т}=70$ ва 90°C) кескин паст бўлишини кўрсатди. Лекин қуритилган тола ва чигит намликларини фарқи юқори бўлиб (3,1% дан 5,1% гача), тола ва чигитни нотекис қуритиш бартараф этилмаган.

Ишлаб чиқариш шароитида пахтани 2СБ-10 барабанида қуритилганда қуритиш температурасини барабан узунлиги бўйича пасайиб бориши, пахтага иссиқ ҳавони циклик таъсири ҳамда пахтани ўзаро аралашини ҳисобига тола ва чигитни қизиши ва қуриши нисбатан бир текис бўлиб, температуралари мос равишда 70 ва 59°C дан паст (1-жадвал).

Тахлиллар толани ортиқча қуриб кетмаслиги, чигитни эса етарли даражада қуриши учун қуритиш вақтини ошириш, қуритиш температурасини нисбатан пасайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Пахтани тозалаш ва жинлаш жараёнларида иссиқлик намлик ҳолатини ўрганиш учун қуритиш барабанидан тозалагичларга пахтани ҳаво қувирида узатишда, уни совиш жараёни тахлил қилинган, ҳаво билан пахта ўртасидаги конвектив иссиқлик алмашиниши қуйидаги тенгламалар ёрдамида ифодаланган

$$c_1 v_0 \frac{\partial T_1}{\partial x} = \lambda_1 \left(\frac{\partial^2 T_1}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 T_1}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial T_1}{\partial r} \right) + \alpha (T_2 - T_1) \quad (6)$$

$$c_2 v_0 \frac{\partial T_2}{\partial x} = \lambda_2 \left(\frac{\partial^2 T_2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 T_2}{\partial r^2} + \frac{1}{r} \frac{\partial T_2}{\partial r} \right) + \alpha (T_2 - T_1) \quad (7)$$

бу ерда $T_1 = T_1(r, x)$, $T_2 = T_2(r, x)$ – ҳаво ва пахта хомашёси температураси; c_1 , c_2 – ҳаво ва пахта хомашёсининг тўлиқ иссиқлик сифими; λ_1 , λ_2 – компонентлар учун иссиқлик ўтказувчанлик коэффициент; α – ҳаво ва пахта хомашёси ўртасидаги иссиқлик алмашиниш коэффициент.

Тенгламалар ечими қуйидаги кўринишга эга бўлади

Ҳавони ўртача температураси

$$\bar{T}_1 = (\bar{T}_{1n} - C) e^{-Bx} + Ax + C \quad (8)$$

Пахтани ўртача температураси


$$\bar{T}_2 = \frac{\bar{q}_0 x}{v_0 c_2} + \bar{T}_{2n} + \frac{\bar{T}_{1n} c_1}{c_2} - \frac{c_1}{c_2} \bar{T}_1 \quad (9)$$

бунда \bar{T}_{1n} ва \bar{T}_{2n} – ҳаво қувири радиуси бўйича ҳаво ва пахтани ўртача температураларининг ўртача қиймати

$$A = \frac{A_1}{B}; C = \frac{1}{B} \left(B_1 - \frac{A}{B} \right); B = \frac{\alpha}{c_1 v_0} \frac{c_1 + c_2}{c_2}; A_1 = \frac{\bar{q}_0 \alpha}{c_1 c_2 v_0^2}; B_1 = \frac{q_0}{c_1 v_0} m + \frac{\alpha}{c_1 v_0} \left(\bar{T}_{2n} + \frac{c_1}{c_2} \bar{T}_{1n} \right);$$

q_0 – ҳаво қувири сирти орқали чиқиб кетаётган иссиқлик миқдори; m – ҳавонинг улуши.

8-расмда (8) ва (9) тенгламалар ёрдамида ҳисобланган натижалар келтирилган.



8-расм. Ҳаво қузури узунлиги бўйича “ҳаво-пахта хомашёси” аралашмасининг


турли тезликлар v_0 (М/с) да: 1 – $v_0 = 10$, 2 – $v_0 = 15$, 3 – $v_0 = 20$, 4 – $v_0 = 25$ ҳаракатланганда ҳаво (а) ва пахта хомашёси (б) температураларининг тақсимланиш графиклари.

8-расмдаги графиклар асосида тозалаш жараёни самарали амалга ошадиган максимал температурага эга бўлган толали пахта хомашёси етиб келишини бошқариш имконияти мавжудлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Пахта хомашёсини барабанда қуритиш режимини тола сифатига таъсирини тадқиқоти” деб номланган учинчи бобда пахтани бир ва икки қарра қуритишда қуритиш температураси, тола намлиги ва температурасини тозалаш самарадорлиги ва толадаги ифлослик ва нуқсонли арлашмаларнинг массавий улушига таъсири ўрганилган.


Бошланғич намлиги $W_{п/х}=11,0\%$, толасининг намлиги $W_T=8,7\%$, чигитининг намлиги $W_ч=11,5\%$, умумий ифлослиги $I_{ум}=4,3\%$, майда ифлослиги $I_M=2,3\%$, йирик ифлослиги $I_й=1,9\%$ бўлган С-6524 селекцион навли, I саноат навидаги ва бошланғич намлиги $W_{п/х}=21,6\%$, толасининг намлиги $W_T=17,2\%$, чигитининг намлиги $W_ч=23,5\%$, умумий ифлослиги $I_{ум}=21,8\%$, майда ифлослиги $I_M=7,7\%$, йирик ифлослиги $I_й=14,1\%$ бўлган С-6524 селекцион навли, IV саноат навидаги пахта хомашёсини 2СБ-10 қуритиш барабанида турли температурада бир ва икки қаррали қуритиш натижалари 9-17– расмларда келтирилган.

Олинган барча боғланишларнинг регрессия тенгламалари ишлаб чиқилган.




1-чигит; 2-пахта; 3-тола


9-расм. Қуритиш агентининг пахта хомашёси ва унинг компонентлари намлигининг ўзгаришига таъсири.




10-расм. Тола намлигининг пахта хомашёси таркибидаги ифлосликларни камайишига таъсири




11-расм. Тола намлигининг тозалаш самардорлигига таъсири.




12-расм. Жин ва тола тозалагичдан кейинги толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши тола намлигига боғлиқлиги.




13-расм. Бир каррали қуритишда қуритиш агентининг пахта хомашёси ва унинг компонентлари намлигининг ўзгаришига таъсири.




14-расм. Икки каррали қуритишда қуритиш агентининг пахта хомашёси ва унинг компонентлари намлигининг ўзгаришига таъсири.



1-умумий, %; 2-майда, %; 3-йирик, %;
15-расм. Пахта хомашёси ифлослигининг камайишига тола намлигининг таъсири.



16-расм. Тола намлигининг тозалаш самарадорлигига таъсири



1-жиндан кейин, %; 2-тола тозалагичдан кейин, %;
17-расм. Толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улушининг тола намлигига боғлиқлиги.

Тажриба натижаларидан қуйидаги хулосалар олинди.

Пахтани бир карра қуритишда унинг намлиги 11,0% дан 8,9% ва 7,7% гача қуритилганда тола намлиги мос равишда 5,8% ва 4,2 % бўлиб, тозалагичларнинг тозалаш самарадорлиги 52,2% дан 60,4% гача ўзгариши ва толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши эса 3,82% дан 3,36% га пасайиши кузатилган.

Икки карралаи қуритишда пахта намлиги 21% дан 12,1% ва 10,2% гача туширилганда тола намлиги 6,5% ва 4,9% бўлиб, тозалагичларни тозалаш самарадорлиги 84,6% дан 89,8% га кўтарилган, толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши 6,9 % дан 6,4 % гача камайган. Ушбу ҳолат пахта ва тола намликларини бир-биридан аҳамиятли даражада фарқ қилиши ва тола намлигини қуритиш температураси ёрдамида ўзгартириш ҳисобига тозалаш самарадорлигини бошқариш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

Ушбу имкониятдан фойдаланиш учун пахтани бир ва икки карра қуритишнинг математик моделлари ишлаб чиқилди. Бунинг учун ишлаб чиқариш шароитида математик режалаштириш асосида тажриба синовлари ўтказилди.

Пахта навини иссиқлик–намлик хусусиятларини инобатга олган ҳолда I ва II нав пахта учун ва III-V нав пахта учун алоҳида математик моделлар ишлаб чиқилди. Кирувчи омиллар сифатида пахтанинг бошланғич намлиги - X_1 , нам пахта бўйича иш унумдорлиги - X_2 , қуритиш агентининг температураси - X_3 лар олинди. Уларнинг ўзгариш чегаралари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тадқиқот режасига киритилган омиллар ва уларнинг ўзгариш чегаралари

Омил-лар	Ўзгариш чегаралари								
	I-II-нав пахталарни қуритишда						III-V-нав пахталарни		
	Бир каррали қуритиш			Икки каррали қуритиш			Икки каррали қуритиш		
	- 1	0	+ 1	- 1	0	+ 1	- 1	0	+ 1
X_1	10	12,15	14,3	10	12,15	14,3	14,3	17,65	21,0
X_2	3,5	6,65	10,0	3,5	6,75	10,0	3,0	6,0	9,0
X_3	100	150	200	80	110	140	100	150	200

Оптималлаштириш параметрлари сифатида пахта намлиги % - y_1 ; толанинг намлиги, % - y_2 ; чигитнинг намлиги, % - y_3 ; жин тарновида тола намлиги, % - y_4 ; қуритишдан кейин толанинг қизиш температураси, $^{\circ}\text{C}$ - y_5 ; қуритишдан кейин чигитнинг қизиш температураси, $^{\circ}\text{C}$ - y_6 ; жин тарновида тола температураси, $^{\circ}\text{C}$ - y_7 ; умумий тозалаш самарадорлиги, % - y_8 ; майда ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлиги, % - y_9 ; йирик ифлосликлар бўйича тозалаш самарадорлиги, % - y_{10} ; толадаги ифлослик ва нуқсонли аралашмалар массавий улуши, % - y_{11} қабул қилинган. Тажриба натижалари математик-статистик қайта ишланиб, коэффицентлар аҳамиятлилиги Стьюдент критерияси, олинган тенгламаларни адекватлик гипотезаси Фишер критерияси ёрдамида аниқлангандан сўнг қуйидаги кўринишдаги регрессия тенгламалари олинган.

Намлиги 10-14,3 % бўлган пахта хомашёсини бир каррали қуритишда.

$$y_1 = 9,48 + 1,675X_1 + 0,91X_2 - 0,69X_3 + 0,105 X_1X_2 - 0,295X_1X_3 - 0,12X_2X_3$$

$$y_2 = 5,768 + 1,12X_1 + 1,082X_2 - 1,163X_3 + 0,115X_1X_2 - 0,25X_1X_3$$

$$y_3 = 10,81 + 1,973X_1 + 0,798X_2 - 0,476X_3 - 0,159X_1X_3$$

$$y_4 = 5,77 + 0,98X_1 + 0,97X_2 - 1,05X_3 - 0,268X_1X_3$$

$$y_5 = 50,833 - 1,667X_1 - 3,5X_2 + 13,167X_3 + 1,0X_1X_3 - 1,333X_2X_3$$

$$y_6 = 43,667 - 1,417X_1 - 1,667X_2 + 11,0X_3 - 0,417X_1X_2 - 0,75X_1X_3 + 0,5X_2X_3$$

$$y_7 = 27,0 + 1,5X_1 + 1,25X_2 + 6,75X_3 - 1,0X_2X_3 - 0,5X_1X_2X_3$$

$$y_8 = 77,83 - 2,43X_1 - 4,695X_2 + 2,47X_3 - 0,57X_1 X_2$$

$$y_9 = 76,56 - 4,06X_1 - 5,76X_2 + 3,75X_3 - 0,91X_1X_2 + 1,04X_1X_3 - 0,83 X_2X_3$$

$$y_{10} = 78,17 - 1,41X_1 - 3,68X_2 + 1,61X_3 - 0,93X_1X_2 + 0,58X_2X_3 + 0,4X_1X_2X_3$$

$$y_{11} = 2,59 + 0,593X_1 + 0,29X_2 - 0,157X_3 + 0,117X_1X_2 - 0,06X_1X_3$$

Намлиги 10-14,3 % бўлган пахта хомашёсини икки каррали қуритишда.

Биринчи 2СБ-10 дан кейин пахта (y_1^1), тола (y_2^1) ва чигит (y_3^1) намлиги

$$y_1^1=9,991+1,869x_1+0,969x_2-0,459x_3-0,101x_1 x_3$$

$$y_2^1=6,7+1,32x_1+1,085x_2-0,695x_3+0,11x_1 x_2-0,15x_1x_3$$

$$y_3^1=11,094+2,0x_1+0,90x_2-0,174x_3-0,1x_2x_3$$

Биринчи 2СБ-10 дан кейин тола (y_5^1) ва чигит (y_6^1) температураси

$$y_5^1=40,0-1,0x_1-2,25 x_2+8,0x_3-0,25x_1x_2-0,5x_1x_3-0,75x_2x_3-0,25x_1x_2x_3$$

$$y_6^1=34,625-0,875x_1-2,125x_2+6,625x_3-0,125x_1x_2-0,375x_1x_3+0,375x_2x_3-0,125x_1x_2x_3$$

Иккинчи 2СБ-10 дан кейин

$$y_1=7,994+1,594x_1+1,544x_2-0,724x_3-0,144x_1 x_3$$

$$y_2=5,105+0,915x_1+1,26x_2-0,715 x_3-0,115x_1x_3$$

$$y_3=8,741+1,679x_1+1,55x_2-0,659x_3-0,111x_2x_3$$

$$y_4=5,168+0,809x_1+1,094x_2-0,638x_3+0,04375x_1x_2-0,11875x_1x_3$$

$$y_5=50,625-1,375x_1-4,875x_2+9,125x_3+0,125x_1x_2-0,875x_1x_3-0,875x_2x_3+0,125x_1x_2x_3$$

$$y_6=46,25-1,0x_1-4,25x_2+7,75x_3+0,5x_1x_2-0,5x_1x_3-0,25x_2x_3+0,5x_1x_2x_3$$

$$y_7=26,625+1,625x_1+1,125x_2+5,375x_3+0,375x_2x_3$$

$$y_8=84,79-3,02x_1-3,92x_2+2,5x_3-0,655x_1x_2+0,26x_2x_3 -1,1x_1 x_2x_3$$

$$y_9= 84,64-4,12x_1-5,74x_2+3,28x_3-1,864x_1x_2+0,57 x_1x_3-1,244x_1x_2x_3$$

$$y_{10}=84,15-1,808x_1-2,7x_2+1,867x_3-0,432x_1x_2+0,09 x_1x_3+0,13x_2x_3-0,911x_1x_2x_3$$

$$y_{11}=2,175+0,497x_1+0,245x_2-0,152x_3 +0,108x_1x_2 -0,05x_1x_3$$

Намлиги 14,3-21% бўлган пахта хомашёсини икки каррали қуритишда.

Биринчи 2СБ-10 дан кейин пахта (y_1^1), тола (y_2^1) ва чигит (y_3^1) намлиги

$$y_1^1=13,099+ 2,59x_1+0, 894x_2-0,724x_3-0,16x_1x_3$$

